


**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**DESCRIPTION OF THE FIRST UZBEK EDITION OF "DEVONI LUG'ATI-T-TURK"****Z.I. Sattorova***Researcher**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** devon, interpretation, facsimile, base source, manuscript, index, index, transcription, keyword, grammatical essay.

**Received:** 18.06.22**Accepted:** 20.06.22**Published:** 22.06.22

**Abstract:** To date, 20 translations and editions of Mahmud Kashgari's Devonu lug'ati-t turk have been translated into Turkish and foreign languages. In the 60 s of the last century, the work was first translated into Uzbek by S. Mutallibov and published. This article analyzes the description of this publication and its index-dictionary, its place in world Turkic studies and the peculiarities of the publication, which has not lost its relevance to date.

**"ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРКНИНГ" ИЛК ЎЗБЕКЧА НАШРИ ТАВСИФИ****З.И. Сатторова***Тадқиқотчи**Тошкент давлат шарқиунослик университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** девон, талқин, факсимил, таянч манба, кўлёзма, индекс, кўрсаткич, транскрипция, бош сўз, грамматик очерк.

**Аннотация.** Махмуд Кошғарийнинг "Девону луғати-т турк" асарининг бугунга қадар 20 туркий ва хорижий тиллардаги таржима ва нашри амалга оширилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида асар илк бор С.Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди. Ушбу мақолада мазкур

нашр ва унинг индекс-луғатининг тавсифи, дунё туркшунослгида тутган ўрни ва нашрнинг бугунга қадар аҳамиятини йўқотмаган ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади.

#### ОПИСАНИЕ ПЕРВОГО УЗБЕКСКОГО ИЗДАНИЯ «ДЕВОНИ ЛУГАТИ-Т-ТЮРК»

**З.И. Сатторова**

*Исследователь*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

#### О СТАТЬЕ

<p><b>Ключевые слова:</b> интерпретация, базовый источник, индекс, транскрипция, грамматический очерк.</p>	<p><b>слова:</b> девон, факсимиле, рукопись, указатель, ключевое слово.</p>	<p><b>Аннотация:</b> На сегодняшний день на турецкий и иностранные языки переведено 20 переводов и изданий книги Махмуда Кашгари «Девону лугати-т турк». В 60-х годах прошлого века произведение было впервые переведено на узбекский язык и опубликовано С. Муталибовым. В данной статье анализируется описание этого издания и его индекса-словаря, его место в мировой тюркологии и особенности издания, не утратившего своей актуальности до настоящего времени.</p>
--	---	--

#### КИРИШ

Ўтган асрнинг бошларида “Девони луғати-т-турк” (ДЛТ) илм аҳлига маълум қилинган, барчага бирдек қизиқиш уйғотди. Бутун дунё олмлари ДЛТ хазинасидан баҳраманд бўлишни истаб, бу йўлда гарчи машаққат чекишди. Бироқ девон нусхаси ягона бўлгани ва уни келгуси авлодларга муносиб етказиш заруратидан уни тадқиқ этиш тадқиқот вақиллари учун муаммо туғдирди. Китоб эгаси Али Амирий асар матнини тиклаш ишини фақатгина иқтидорли шогирди Ахмад Рифатга ишонди. Девон илк бор Килисли Рифат томонидан 1915-1917 йилларда нашр этилди, бироқ луғатнинг арабча изоҳлари туркчага ўгирилмай қолди [1]. Орадаги ярим минг йил девонга салбий таъсир ўтказолмаган эсада, бироқ намлик кўриб қорайган, саҳифалар титилган, баъзи сўзлар ўчган ўринлар бор эди. Шу боис қадимий асарларнинг форс, араб тиллари етук билимдони ва таржимони К. Рифатнинг девон устида машаққатли меҳнат қилишига тўғри келди.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Кўлёзма факсимили уч марта, яъни 1941, 1990 йиллар [2] ва янги типқибосими 2008 йил нашрдан чиқди [3]. Натижада К.Рифат матнидаги айрим камчиликлар, яъни сўзлар ёки ҳарфларни ташлаб кетилиши ёки мазмун талаби билан орттирилиш ўринлари кўринди. Бироқ, асарнинг илк таржима ва нашрлари айнан шу матн орқали илм аҳлига етказилгани, минглаб тадқиқотлар, илмда эришилган кўпгина ютуқлар манбаси бўлганини унутмаслик керак.

Девон матнини нашрга тайёрлаш жараёни катта машаққат, улкан маҳоратни талаб қилади. Бунинг учун матншунос нафақат араб ва туркий тиллар, балки уларнинг тарихи, грамматикаси, фонетикаси, этимологияси ва хаттотлик илмини ҳам яхшигина эгаллаган бўлиши керак. ДЛТ нинг Марказий Осиёдаги илк таржимони ва ношири Солиҳқори Муталлибов ана шундай кўникмага эга ўзбек олими эди. Солиҳ Муталлибов ўттиз йилдан ортиқ тинимсиз меҳнати самарасини 1960-1963 йилларда илк бор араб тилидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб нашрдан чиқарди. Луғатнинг илк ўзбекча таржима ва нашри кошғарийшуносликда муҳим қадам бўлди [4].

Тилшуносликда амалга ошириладиган ҳар қандай тадқиқот хоҳ тил тарихи, хоҳ замонавий тилшуносликда бўлсин девонга мурожаат қилади. Шу боис ўзбек тилшунослигида ҳам бир қанча туб бурилишлар сабаб бўлган илмий янгиликларни эълон қилинишида Солиҳқори Муталлибовнинг хизматлари беқиёс.

Бугунги кун ўқувчиси Маҳмуд Кошғарий ва ДЛТ ҳақида тасаввурга эга, девон таркибидаги мақол, маталлар ва парчалар билан ҳам таниш илм ихлосмандлари бор. Бироқ уларнинг аксарияти Солиҳ Муталлибовнинг илмий изланишлари натижаси эканлигидан хабарсиздек гўё. Аслини олганда Маҳмуд Кошғарий номини тилга олишимиз билан Солиҳ Муталлибов ҳам бирдек хотирамизда гавдаланиши керак. Бу ҳақда элга таниқли замондош ижодкорларимиздан бири қайғуриб ёзади: “Ҳар жилд бошида кичик шрифтда бир ёзув келади: Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С.М.МУТАЛЛИБОВ. Қарангки, ўша нашрда ҳатто Муталлибовнинг исми ҳам тўлиқ берилмаган, фақат С деб кўрсатилган. Туркий дунёнинг мислсиз хазинаси “Девону луғотит турк”ни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш жуда оғир, жуда мураккаб иш. Бу ниҳоятда катта билим ва тажрибани талаб этарди. Миллатимиз ва тилимизнинг минг йилликларидан хабардор одамгина бу ишга қўл уриши мумкин эди. Бошқаларнинг журъати ҳам, бардоши ҳам етмайди. Солиҳ Муталлибов бу тарихий ишни муваффақият билан бажарган” [5].

Солиҳ Муталлибов фундаментал билимлар ривожига ўзининг муносиб улушини қўша олган, ўзбек ва туркий тиллар тарихи билимдони, қолаверса араб ва форс тилларини пухта ўзлаштирган том маънодаги илм фидойиси эди. Тадқиқотчи туркий тиллар тарихи учун муҳим илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзди[6]. 1944 йилда “Алишер

Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарининг танқидий матни” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Солиҳ Муталлибов Кошғарий ва девон билан ишлаш фаолияти давомида “Маҳмуд Кошғарий луғати ва туркий тилларни ўрганишда унинг аҳамияти”, “ХІ аср филологи Маҳмуд Кошғарийнинг тилшуносликдаги фаолияти”, “ХІ аср филологи Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону луғотит турк” асари” , “Маҳмуд Кошғарий” каби ўнга яқин тадқиқотларини эълон қилди [7]. 1967 йилда “Девону луғотит турк” асарининг ўзбек тилига таржимаси ва талқини асосида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [8].

1960-1963 йилларда “Девону луғотит турк” илк бор ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб нашр этилди . Муаллифнинг девон сўзбошисида изоҳлашича: “... қўлёзма бизда йўқлиги учун биз ўз таржимамизда (Девон таржимасида) Таржима девоннинг мукамал наشري бўлиб, туркшунослар томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, туркологиянинг етук олими А.Н.Кононов шундай деган эди: “Б.Аталай ва С.Муталлибовларнинг таржималари туркшуносларга ушбу қимматли обидани фонетик-грамматик ва лексик тадқиқи учун ишончли манба тақдим этди ва туркий тиллар тарихини чуқур ўрганишда муҳим ёрдам бўлди” [9].

Матни нашрга тайёрлаш учун 1915-1917 йилларда Истанбулда босилган босма нашр таянч манба сифатида олинган [10]. Девоннинг илк таржимонлари қўлёзма матнини кўрмаганлиги боис, қўлёзма асосида тайёрланган ҳозирги нашрларда тафовутлар кўринмоқда. Муаллиф мазкур нашрдан ўзининг ҳам кўнгли тўлмаганлигини ёзади: “ Бу қимматли асарни бостириш қанчалик муҳим бўлса, бу ишда у ягона нусханинг бутун хусусиятларини тўла бериш, зарур ўринларни изоҳлаш ва ниҳоят эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш шунча муҳим ва зарур эди. Лекин босма нусхада бу асосий қоида унутилган” [11].

Таянч манба 3 жилд. Биринчи қисми 436 саҳифа, иккинчи жилд 294 саҳифа 1915 йилда, учинчи жилд эса 335 саҳифа бўлиб 1917 йил босилган. Ўзаро қиёсланган туркча нашр ҳам шу манбага асосланган [12].

Ўзбекча илк нашр уч жилддан иборат бўлиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётида 3000 нусхада босилган. Ҳар уч жилд ҳам тўқ яшил мукова билан мустаҳкам бичилган. Биринчи жилд 1960 йилда, иккинчи жилд 1961 йилда ва учинчи жилд 1963 йилда чоп этилган.

Таржимада 7217 та (1-жилдда 3293 та, 2-жилдда 1497 та, 3-жилдда 2427 та) сўз ва кўшимчалар бош мақолача сифатида ажратиб кўрсатилганлигини девон тадқиқотчиси Ж.Худойбердиев қайд этган [13].

Нашрнинг биринчи жилди 499 саҳифадан иборат. 2-3 саҳифа титул варақ юқорисига араб ва крилл ёзувида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги А.С Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти номи, марказда эса муаллиф ва асар номи икки тилда кўрсатилган. Қуйроқда нашрга тайёрловчи ва Дастлаб таржимон ва нашрга тайёрловчининг исм-шарифи, нашр этилган сана кўрсатилган.

“XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари” мақоласи киритилган (7-40 бетлар). Унда Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг дидактик асари “Қутадғу билиг” ҳақида, XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий, XI асрнинг қимматли ёзма ёдгорлиги “Девону луғотит турк”, “Девону луғатит турк”нинг ўзбек тилига муносабати масаласи, Девон таржимаси ва транскрипцияси каби масалалар юзасидан таҳлил ва талқин қилинган. Кошғарий ўз қўли билан чизган географик хаританинг 1333 (1915) ҳижрийдаги босмасидан нусхаси илова қилинган. Муқаддима (43-69 бетлар) дан кейин луғат қисми (70-482 бетлар) ва изоҳлари (485-499 бетлар) ёзилган. Изоҳларда тадқиқотчи девонда учрайдиган атамалар масаласига яъни *Баласағун, Журжон, Субран, Кашимир, Бархан, Чин, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Барсағон* каби шаҳарлар; *игроқ, чигил, тухси, арғу, турк, ўғуз, тот, татар, уйғур, басмил, қипчоқ, жумул, қирғиз, қарлуқ* қабил ва уруғлари; *Афросиёб, Искандар Зулқарнайн* каби тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг бошқа тархий-адабий манбалар билан қиёсий изоҳи келтирилган.

Иккинчи жилд 427 саҳифани ташкил этиб, Сўзбоши ўрнида, луғат қисми ва “Девон”даги қабилалар масаласи (*Жикил қабиласи, Тот*) хусусида таржимоннинг мақоласи киритилган.

Учинчи жилд 463 бет. Дастлаб С. Муталлибовнинг кириш сўзи – Бир неча сўз, сўнг луғат қисми ва якунида китоб колофони матни (котибнинг исми ва нисбаси, китоб кўчириб тугалланган сана), Кошғарий қўлёзмасининг охириги парчаси билан девон якунланади. Тадқиқотчининг бу жилд сўнггида ҳам баъзи сўзлар ва атамалардаги изоҳлари, Қабилалар ҳақида мақоласи (*тангутлар, тубутлар, канжаклар, туркманлар, яғмолар, қай қабиласи, ямаклар, ябоқулар* қабилалари таҳлил қилинган) қайд этилган. “Девони луғоти-т-турк”нинг I-II-III китобларига тузатишлар билан нашр якунланади.

Нашрнинг ўзига хос томонлари талайгина. С.Муталлибов таржима жараёнида матндаги ҳар бир сўзга кўз нуруни Кошғарийнинг айна кўнглидагидек талқин қилишга уринди. Сўзларнинг этимологияси, бугунги ҳолати ва истеъмол доирасини изоҳларда асослаб борди. Бунда олим Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий асарлари тили, ўзбек тили шевалари, лаҳжалари ҳамда девоннинг туркча мукамал нашри билан қиёсланган ҳолда аниқлик киритди.

1967 йилда Ўзбекистон ССР “ФАН” нашриётида девоннинг ўзбекча ва Истанбулда босилган турк нашрига асосланган индекс-луғати 2000 нусхада нашр қилинди [13]. Мазкур иш С. Муталлибов ва Ғ.Абдурахмоновларнинг иштироки ва таҳрири остида амалга оширилди.

Бугунги кунимизгача ДЛТ нинг турли тилларда 20 дан ортиқ наشري, шунингдек, ўзбекча таржимаси ҳам икки марта қайта нашр қилинган [14,15] бўлсада, индекс луғатлар сони бармоқ билан санарли. Индекснинг аҳамиятли томонларидан яна бири шуки, луғат ўзбек ва рус тилларида тузилиб, ҳар икки тилда тадқиқот олиб борувчилар учун қўл келади. Яқин ўн йилликда девоннинг ўзбекча наشري икки марта қайта нашрдан чиқди, бироқ индекс луғати ҳали чопқилинмади. Шу боис илм аҳли 60 йилдан буён мазкур луғатдан кенг қўламда самарали фойдаланиб келмоқда.

Сўзлик тузиш ишига Фанлар академиясининг ўзбек тилини қиёсий-тарихий ўрганиш бўлимида 1960- йилда киришилди ва 1965- йилда яқунланди. Нашрга тайёрлаш ишларига туркий филологиянинг таниқли олимлари Қ.Каримов, Ш.Шукуров ва Т.А.Баровкова муҳаррирлик қилишди. Филология фанлари доктори, профессор Ғ.Абдурахмонов таҳрир жараёни, сўз ва мақолларни гуруҳлаш ва рус тилига ўгириш ишларига бош-қош бўлди.

Индекс-луғатда сўзлар алифбо бўйича тартибланган. Крилл ва лотин алифбоси асосидаги транскрипция билан ифодаланган. Техник сабабларга кўра ўзбекча нашрдаги э шакли э билан, ю шакли эса у билан ифодалгани эслатиб ўтилган. Бироқ бу ҳолат фойдаланувчига бироз ноқулайлик туғдиради. Чунки товушларни фарқлаш учун девон билан солиштириб чиқишга тўғри келади. Индекс-луғатнинг қайта нашрларида бу ҳолатнинг бартараф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бош сўзлар янги сатрдан ҳарфлар орасига бир пробель ташлаб, бош сўзлар ажратилган. Сўнг талқини ва рус тилидаги таржимаси, девоннинг жилд ва саҳифа бети, агар сўз девоннинг бошқа ўринларида ҳам учраса, нуқтали вергул билан ажратилиб, ўша саҳифа ва жилд ҳам бириктирилган, феълларнинг сифатдош ва соф шакли охирида қавсда берилган:

а л а р т т и – олайтирди- вытарацивал, выпучивал (глаза), (алартур, алартмак). III, 433-18, 20; ар. 316-7. (17 бет)

б э з ä ш д и – яшашди, безашди – помог украсить (бэзäшүр, бэзäшмäк) (совм.). II, 107-15, 18; ар. 90-99. (63 бет)

Шунингдек, сўз талқинидан кейин, унинг девонда учраган барча маънолари, кўчма маънолари ҳам берилади. Бир-бирига яқин маънолар вергул билан, узоқроқ маънолар эса нуқтали вергул билан ажратилади. Кўп маъноли ва омоним сўзлар алоҳида абзацда рим рақамлари орқали кўрсатилган:

к э м л ä д i – касалланди; нуқсонли бўлди – заболел; имел порок, недостаток. (кэмлär, кэмләди). III, 315-21, 24; ар. 222-14. (153 бет)

э р ү к I – терини ошлайдиган ҳар нарса – дубитель. I, 100-17; ар.67-9.

э р ү к II – ўрик, шафтоли, олхўрининг умумий номи – общее название фруктов (урюка, персика, сливы). Эрүк қакі – ўрик данаги, косточки урюка. II, 326-23; ар.225-11 (49-бет)

Агарда сўзлар бирор қабила ёки уруғга мансуб бўлса қавс ичида кўрсатилган

л а - таъкид юкламаси (ўғуз) – поспозитивнач частица, усиления (огуз) III, 231-1; ар. 343-11. (177 бет)

л у ч н у т – ҳашар (канжак) – добровольная помощь (канчак). I, 421-25; ар. 373-3. (177 бет)

Сўзбошиси муаллифларининг ёзишича, индекснинг алоҳида нашр қилиниши ДЛТ нинг кўлөзма нусхаси фотосини ўрганиш натижасида девон таржимасидаги баъзи нуқсонларни ва техник хатоларни тузатиб кетиш имконини берган. Шу боис муаллифлар ҳаракатлар қўйилмай кетган ёки бира-тўла икки ва ундан ортиқ ҳаракат қўйилган сўзларнинг транскрипцияси билан бирга асл матндаги арабча матнни ҳам келтиради:

ј a l w ĩ р д ĩ – [ يلفردی ] - ҳилпиради, выколачивал (пыл). Jalwĭrap, jalwĭрмак ( يلفر مآق ) III, 110-2,4; ар. 70-12. (108 бет)

Сўз бирикмалари таркибида келган бош сўзлар бирикмадан ажратилиб берилади, икки нуқтадан сўнг бирикма ҳолида қалин шрифтда ажратилиб кўрсатилади:

т а м у л а д ĩ : ол суwuғ тамуладі – у сув тўғонини маҳкамлади – он укрепил плотину (тамулар, тамуламақ). III, 340-11,13; ар.241-11. (245 бет).

Индекс-луғатнинг 387 саҳифасидан *Атоқли отлар кўрсаткичи* гуруҳларга ажратилиб жойлаштирилади: 96 та киши номлари, 79 та халқ, уруғ ва қабила номлари, 82 та шаҳар ва қишлоқ номлари, 68 та мамлакат, вилоят, водий, дара, яйлов; тепалик, жарлик, доvon ва йўл номлари, 25 та денгиз, кўл, дарё ва сой номлари, 7 та сайёра, юлдуз ва фасл номлари тахлаб изоҳланган.

406-475 саҳифаларда Қ.Маҳмудов томонидан *Грамматик кўрсаткич* илова қилинган. ДЛТ да сўзлар таркибида, мустақил мақола ёки Кошғарийнинг грамматик қоидалари таркибида келган грамматик шакллар – қўшимчалар, ёрдамчилар илова қилинган. Қўшимча қўлланилган сўз, унинг туркуми ва генезиси, гап таркибида қўлланилишига мисол келтирган ҳолда кўрсатилган:

-гусі ( гу+сі) сифатд.- прич. Аниң бір ат бэргүсі бар – унинг менга бир от қарзи бор – он мне должен одну лошадь. I, 403-6,7. 358, қар. см. ғусі. ( 415 бет) .

479 саҳифадан “XI аср эски турк тилининг грамматик очерки” катта ҳажмли грамматик қоидалар ишлаб чиқилган ва илова қилинган. Мазкур бўлимни Ш.Шукуров

ёзган бўлиб, Маҳмуд Кошғарий даври туркий тиллар тил хусусиятлари яъни морфологияси-от, сифат, равиш, феълларнинг замон, шахс-сон, майл формалари, отлардаги бирлик ва кўплик шакллари, келишиклар тавсифи девон грамматик қоидалари ва мисоллари билан асослаб ёритилган. Синтаксис қисмида гап ва унинг турлари, содда ва қўшма гаплар, тўлик ва тўлиқсиз гаплар, гапларнинг ўзаро боғланиши ва гап қурилишига доир қоидалар тизимлаштирилган. Грамматик очеркнинг синтаксис бўлими Ғ. Абдурахмонов томондан таҳлилга тортилган. 524-541 бетларда девон таркибида келган мақол ва маталлар 20 дан ортиқ маъно гуруҳларга ажратилиб илова қилинган.

### ХУЛОСА

Муаллифлар девон ва индекс-луғатни нашрга тайёрлашда ўз маслаҳатларини берган туркологиянинг етук олимлари ва мутахассислари А. Қаюмов, А.Рустамов, Ҳ.Ҳасанов, И.Қўчқортоев, Ҳ.Низомов, М.Туробова, Ғ.Каримов, Р.Бахтиёрова, Ғ.Саломов, С.Низомиддинова, С.Фердоус, Ҳ.Сулаймоновларнинг хизматларини эътироф этади.

Девоннинг ўзбек тилидаги илк таржимаси нашр этилганига қарийб олтмиш йил ўтган бўлсада, унинг қиймати ўзгармади. “Асар олимлар ва кенг китобхонлар томонидан катта рағбат кўрди, узоқ йиллар давомида совет туркологлари орасида ягона манба бўлиб хизмат қилди, охириги жилди 40 йил олдин нашр қилинганига қарамасдан бу таржима “Девони луғоти-т туркнинг энг гўзал таржималаридан бири бўлиб қолмоқдадир”[13].

### Адабиётлар:

1. Китабу Дивану луғатит турк. Т. I-III. Истанбул, 1333-1335.
2. Divanü Lûgat-it-Türk Tıpkıbasım “Faksimile”: Ankara 1941 Alâeddin Kırâl Basımevi. s. 638 tıpkıbasım (T.D.K.Yay.61);KÂŞGARLI MAHMUD: Dîvânü Lûgati't-Türk Tıpkıbasım /Facsimile: Ankara 1990. 1+638 s. Kültür Bakanlığı Yayınları/1205. Klâsik Eserler Dizisi/11
3. Mahmud bin el-Hüseyn bin Muhammed el-Kaşgari - Kitabu Divanı Lügati t-Türk - Tıpkıbasım - Türkçe Sözcükler, Özel Adlar Dizini. Нашрга таёрловчи Шабан Курт. Истанбул 2008.
4. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғотут-турк”. 1-3- жилдлар. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов.С. –Т: ЎзФА Фан нашриёти. 1960, 1961,1963.
5. [https://uza.uz/uz/posts/jiddiy-va-alamli-bir-savol\\_190025](https://uza.uz/uz/posts/jiddiy-va-alamli-bir-savol_190025)
6. Фозилов Э. Шарқнинг машхур филологлари / Шарқ филологларининг тадқиқотчилари. Тошкент. “ФАН” 1971. –Б.76
7. Муталлибов. С.М. О словаре Махмуда Кашгарского «Диван-и-луғат-и-турк». «Известия Академии наук Узбекской ССР», 1947, № 4, стр. 25-30; Филолог XI в. Махмуд Кашгарский и его произведение «Диван-и-луғат-и-турк».-«Материалы I Всесоюзной



конференции востоковедов в г. Ташкенте, 4-11 июня 1957 г ; Махмуд Кашгарский. - В сб.: «Вопросы методов изучения истории тюркских языков». Ашхабад, 1961, стр. 109-112;

8. Муталлибов.С.М. «Дивану лугат ит турк» Махмуда Кашгарского (перевод, комментарии, исследования). Автореферат докторской диссертации. Ташкент, 1967. 75 ср.

9. Кононов А.Н. Изучение «Дивану лугат ит-турк» Махмуд Кашгарского в Советском Союзе // Советская тюркология, –Баку: 1973, № 1, с. 5

10. Китабу Дивану луғатит турк. Т. I-III. Истанбул, 1333-1335 [1915-1917]

11. Махмуд Кошғарий. “Девону луғотут-турк”. 1-жилд. Нашрга тайёрловчи Муталлибов.С. –Т: ЎзФА Фан нашриёти. 1960. –Б.27

12. Китабу Дивану луғатит турк. Т. I-III. Истанбул, 1333-1335

13. Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshg‘ariy hayoti va «Devony lug‘otit tyrk» bo‘yicha yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. –Toshkent: Akademnashr, 2011. - Б.8.

14. “Девону луғотит-турк”. Индекс-луғат. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Муталлибов.С, Абдурахмонов Ф. –Т: ЎзФА Фан нашриёти. 1967. 547 бет

15. Махмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. 1-3 жилд. (Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ. Болтабоев, Б.Исабеков) -Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016; Махмуд Кошғарий. Девону луғати-т- турк –Т.: Гафур Ғулом. Нашрга тайёрловчи Содиқов.Қ. 2017.